УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FM.55.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРГАНОВ ЯШИН КАМИЛОВИЧ

ИККИТА БУЗИЛИШ ЧИЗИҒИГА ЭГА БЎЛГАН ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН НОКОРРЕКТ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 519.6+517.95

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FM.55.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРГАНОВ ЯШИН КАМИЛОВИЧ

ИККИТА БУЗИЛИШ ЧИЗИҒИГА ЭГА БЎЛГАН ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН НОКОРРЕКТ МАСАЛАЛАР

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/FM195 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-mat.urdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар — **Фаязов Кудратилло Садридинович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: — **Хасанов Акназар Бекдурдиевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Джамалов Сирожиддин Зухриддинович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: — **Фарғона Давлат университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.55.01 рақамли Илмий кенгашнинг «24» май 2021 йил соат 14^{00}даги онлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (+99862) 224-66-11, факс: (+99862) 224-67-00; e-mail: ik_mat.urdu@umail.uz).

Диссертация билан Урганч Давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (D-237-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч ш., Ҳ. Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (+99862) 224-66-11; факс: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2021 йил «7» май куни тарқатилди.
(2021 йил «7» май даги 1- рақамли реестр баённомаси).

Б.И. Абдуллаев
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д.

Ю.А. Атамуратов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

С.А. Имомкулов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа докторы (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар хусусий ҳосилали ноклассик дифференциал тенгламалар учун нокоррект масалаларни ечиш, тақрибий ечимларини қуриш ҳамда аниқ ечим ҳамда тақрибий ечим орасидаги фарқ нормасини баҳолаш масалаларига келтирилади. Тескари ва нокоррект масалалар назариясинининг асосий объекти газ динамикаси соҳасидаги, акустик тўлқинларнинг тарқалиши ва геофизика соҳасидаги амалий тадқиқотларнинг моделларидир. Иккита бузилиш чизиғига эга бўлган дифференциал тенгламалар учун нокорррект қўйилган чегаравий масалаларни шартли қорректликка текшириш, корректлик тўпламида тақрибий ечимларни топиш ва компьютерда сонли ечиш дастурини яратиш математик физика соҳасида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда аралаш турдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокорррект қўйилган чегаравий масалаларнинг ечимини шартли корректликкка текшириш, тақрибий ечимларини қуриш, аниқ ечим ва тақрибий ечим орасидаги фарқни баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ечимнинг априор баҳосини топиш, корректлик тўпламини аниқлаш, ягоналик ва шартли турғунлик теоремаларини исботлаш, регулярлаштириш усули ёрдамида тақрибий ечимларни қуриш, бошланғич берилганларга мос аниқ ва тақрибий ечимларни ҳисоблаш алгоритмини тузиш ва ушбу алгоритм асосида дастур яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган геофизика, газ динамикаси ва акустик тўлқинларнинг тарқалиши соҳаларидаги аралаш типдаги тенгламаларга қўйилган нокоррект чегаравий масалаларни ечиш, аниқ ечим ва тақрибий ечим орасидаги фарқнинг нормасини баҳолаш ва сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун тескари ва нокоррект чегаравий масалаларнинг тақрибий ечимларини қуриш, юқори тартибли аралаш ва аралаш-тузилмали турдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект қўйилган чегаравий масалаларнинг корректлик тўпламини аниқлаш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. “Математик физика, амалий математика ва физиканинг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди.[1] Бу борада иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш ва йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик тенгламалар учун нокоррект қўйилган чегаравий масалаларни шартли корректлигини аниқлаш, регулярлашган ечимларни қуриш, регуляризация параметрларини ҳисоблаш формулаларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертацияда қаралаётган масалалар математик физиканинг аралаш турдаги тенгламалар синфига тегишлидир. Бундай турдаги тенгламалар учун коррект қўйилган чегаравий масалалар бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. М. Жевре ўз ишларида йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик тенглама учун чегаравий масалани қараган. Ҳар хил чегаравий ва бошланғич шартли бундай турдаги масалалар С.Д. Пагани, Г. Таленти, В.В. Врагов, В.К. Романко, С.А. Терсенов, А.М. Нахушев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Хусусан, Ф. Трикоми ва С. Геллерстедтнинг ишлари аралаш типдаги тенгламаларга бағишланган эди. Буларга М.А. Лаврентьев, М.В. Келдыш, А.В. Бицадзе, М.С. Салахитдинов, Т.Д. Джураев, В.Н. Врагов, К.Б. Сабитов, А.И. Кожанов, С.П. Пулькин, А.П. Солдатов, Н.В. Кислов ва бошқаларнинг ишлари ҳам киради. Иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги тенгламалар учун чегаравий масалалар билан А.М. Нахушев, М.М. Зайнулабидов, В.Ф. Волкодавов, В.В. Азовский, О.И. Маричев, А.М. Ежов, Н.И. Поливанов, Хе Кан Чер, С.И. Макаров, С.С. Исамухамедов, Ж. Орамов, М.С. Салахитдинов ва унинг ўқувчилари, К.Б. Сабитов, А.А. Гималтдинова, О.А. Репин ва бошқа муаллифлар шуғулланганлар.

А.Н. Тихонов, М. Ландис, С.Г. Крейн, С.П. Шишатский, Х.А. Левин ва бошқаларнинг ишларида тескари вақт йўналиши бўйича параболик тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалалар ўрганилган. Ушбу ишларда параболик типдаги тенгламалар учун тескари ва характеристик бўлмаган Коши масалалалари шартли турғунликка текширилди. С.Г. Крейн ва Х.А. Левин мазкур натижаларни ўз-ўзига қўшма оператор коэффициентли абстракт эволюцион тенгламалар учун умумлаштирди. Б.Д. Солеман, Р.Ж.

Дуффин, В.Ж. Мизел ишларида псевдо-дифференциал тенгламалар учун шунга ўхшаш тадқиқотлар олиб борилган.

Ш.А. Алимов тамонидан Гиперболик тенглама учун Дирихле масаласи қаралган. Ш. Ярмухамедов эллиптик тенглама учун Карлеман функцияси ёрдамида Коши масаласи учун тақрибий ечимларни қурди. Унинг ўқувчилари томонидан эса тенгламалар системаси учун Карлеман функцияси усули билан регулярлашган ечимлар қурилди. С.П. Шишатский, К.С.Фаязов ва М.Х. Аламиновнинг ишлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, бунда бузилган параболик ва эллиптик тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалалар ўрганилган. А. Хайдаров ва Д.К. Дурдиевнинг тадқиқот предмети бўлиб, эллиптик ва гиперболик типдаги тенгламалар учун тескари ва нокоррект масалалар хизмат қилган, интеграл геометрия масалалари эса А. Бегматов томонидан ўрганилган. Йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик типдаги тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалалар ва аралаш типдаги тенгламалар К.С. Фаязов ишларининг предмети бўлган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Дифференциал тенгламалар ва математик физика” дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун шартли корректликни аниқлаш ҳамда корректлик тўпламида тақрибий ечимларни топиш ва уларни компьютерда сонли ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган, йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик тенглама учун чегаравий масалани шартли корректлигини аниқлаш;

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги хусусий ҳосилали тенгламалар системаси учун нокоррект чегаравий масалаларни ечиш;

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган, йўналишини вақт бўйича ўзгартирадиган параболик тенгламалар системаси учун чегаравий масалаларнинг шартли корректлигини исботлаш;

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган параболик ва аралаш типдаги тенгламалар системаси учун чегаравий масалаларнинг А.Н.Тихонов бўйича корректликни исботлаш;

регулярлашган ечимларни қуриш, мос функционал фазоларда аниқ ва тақрибий ечим орасидаги фарқ нормаси баҳолаш;

регуляризация параметрларини ҳисоблаш формулаларини аниқлаш, сонли ечиш дастурларини ишлаб чиқиш, ҳисоблаш натижаларни график ҳамда жадвал кўринишида тасвирлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иккита бузилиш чизиғига эга бўлган параболик ва аралаш турдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар олинган.

Тадқиқот предмети иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик таҳлил усуллари, спектрал ёйилмалар усули, логарифмик қавариқлик усули, интеграл энергия, регуляризация ҳамда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йўналишини вақт бўйича ўзгартируви параболик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалаларни ечишнинг априор баҳолари олинган;

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган параболик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалаларнинг корректлик тўпламлари аниқланган, шунингдек, ягоналик ва шартли турғунлик теоремалари исботланган;

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалаларга нисбатан корректлик тўпламлари аниқланди, шунингдек, ягоналик ва шартли турғунлик теоремалари исботланган;

тақрибий ечимлар курилиб, мос фазоларда аниқ ва тақрибий ечимлар орасидаги фарқ нормалари баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалаларга нисбатан аниқ ва тақрибий ечимлар орасидаги фарқ нормалари баҳолари аниқланган ва регуляризация параметрларини ҳисоблаш формулалари келтириб чиқарилган;

ҳисоблаш алгоритмлари асосида аниқ ва тақрибий ечимнинг сонли ва график натижаларини чиқарувчи дастурлар Visual C# муҳитида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ, нокоррект масалалар назарияси, хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясидаги усуллардан фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижалар математик жиҳатдан тўғри исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш турдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалалар назариясининг ривожланиши учун фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар аралаш муҳит механикаси, газ динамикаси, геофизикада ва бошқа нокоррект қўйилган масалалар билан ифодаланувчи тегишли соҳалардаги моделларга қўлланишида амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккита бузилиш чизиғига эга бўлган параболик ва аралаш турдаги нокоррект чегаравий масалаларнинг ечимлари учун шарли турғунлик баҳосини аниқлаш ва мос корректлик тўпламида тақрибий ечимларининг қурилиши асосида:

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш турдаги иккинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системаси учун чегаравий масалага мос спектрал масаланинг хос қийматлари ва хос функциялари ҳамда иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги бир жинсли бўлмаган иккинчи тартибли дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масаланинг корректлик тўпламидаги тақрибий ечимидан №MRU-OT-1/2017 “Ноклассик дифференциал ва оператор-дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий ва тескари масалалар” мавзусидаги фундаментал лойиҳада тескари масалаларни ечишда фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 89-03-4173-сонли маълумотномаси). Натижада ноклассик дифференциал ва оператор-дифференциал тенгламалар учун нолокал чегаравий ва тескари масалаларнинг ечими мавжудлигини исботлаш имконини берган;

иккита бузилиш чизиғига эга бўлган параболик турдаги йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган иккинчи тартибли дифференциал тенгламалар учун чегаравий масалаларнинг корректлик тўпламидаги ечим кўриниши, иккита бузилиш чизиғига эга бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган аралаш турдаги тенглама учун нокоррект чегаравий масалаларнинг шартли турғунлигидан №ОТ-Ф4-(36+32) “Математик физика ва оптимал бошкарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. Тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ва уларнинг тадбиқлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ечимлари учун турғунлик баҳоларини олишда фойдаланилган (Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 89-03-4173-сонли маълумотномаси). Натижада тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ечимлари учун турғунлик баҳоларини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Диссертация натижалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институтининг “Математик физиканинг замонавий муаммолари” дифференциал тенгламалар бўйича умумшаҳар семинарида ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида “Математик физиканинг замонавий муаммолари” шаҳар илмий семинарида ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Дифференциал тенгламалар ва математик физика кафедраси семинарида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари 15 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, 2 таси хорижий журналларда ва 6 таси республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аралаш типдаги дифференциал тенгламалар ва спектрал масала**» деб номланувчи биринчи бобида диссертацияни баён қилиш учун аралаш ва аралаш-тузилмали турдаги тенгламалар назариясига оид керакли таърифлар келтирилган.

1.1-параграфда ноклассик типдаги тенгламалар назарияси тўғрисидаги натижаларнинг қисқача тавсифи ва унга мос масалалар келтирилади.

1.2-параграфда аралаш типдаги тенгламалар учун коррект ва шартли коррект масалаларнинг таърифлари ҳамда уларни ечиш усуллари келтирилган. Нокоррект масалага мисол сифатида битта бузилиш чизиғига эга аралаш типдаги тенглама учун қуйилган бошланғич-чегаравий масала келтирилган ва унинг шартли корректлиги исботланган.

1.3-параграфда аралаш типдаги тенгламаларда вужудга келадиган спектрал масалалар назариясини баён этишга бағишланган.

Спектрал масала. λ нинг шундай қийматларини топингки, натижада

$$sgn(x)\vartheta_{xx}(x,y)+sgn(y)\vartheta_{yy}(x,y)+\lambda\vartheta(x,y)=0,(x,y)\in\left(-1;1\right)^2,x,y\neq 0, \tag{1}$$

$$\begin{gathered}
\vartheta(x,y)\Big|_{\substack{x=-1\\x=+1}}=0,\ \ y\in[-1;1],\\
\vartheta(x,y)\Big|_{\substack{y=-1\\y=+1}}=0,\ \ x\in[-1;1],\\
\left.\frac{\partial^i\vartheta(x,y)}{\partial x^i}\right|_{x=-0}=\left.\frac{\partial^i\vartheta(x,y)}{\partial x^i}\right|_{x=+0},\ y\in[-1;1],\\
\left.\frac{\partial^i\vartheta(x,y)}{\partial y^i}\right|_{y=-0}=\left.\frac{\partial^i\vartheta(x,y)}{\partial y^i}\right|_{y=+0},\ x\in[-1;1],\left(i=\overline{0,1}\right)
\end{gathered} \tag{2}$$

масала нотривиал ечимга эга бўлсин.

Шундай қилиб (1), (2) спектрал масаланинг хос қийматлари қуйидаги

$$\mu_k^2+\sigma_l^2=\lambda_{k,l}^{(1)},\ \mu_k^2-\sigma_l^2=\lambda_{k,l}^{(2)},\ -\mu_k^2+\sigma_l^2=\lambda_{k,l}^{(3)},\ -\mu_k^2-\sigma_l^2=\lambda_{k,l}^{(4)}$$

кўринишга эга, уларга мос хос функциялар эса

$$\vartheta_{k,l}^{(1)}(x,y)=X_k^{(1)}(x)\cdot Y_l^{(1)}(y),\ \vartheta_{k,l}^{(2)}(x,y)=X_k^{(1)}(x)\cdot Y_l^{(2)}(y),$$

$$\vartheta_{k,l}^{(3)}(x,y)=X_k^{(2)}(x)\cdot Y_l^{(1)}(y),\ \vartheta_{k,l}^{(4)}(x,y)=X_k^{(2)}(x)\cdot Y_l^{(2)}(y),\ k,l\in N$$

кўринишга эга бўлади, бу ерда

$$X_k^{(1)}(x)=\begin{cases}\sin\mu_k(x-1)/\cos\mu_k \quad ,0\le x\le 1,\\ sh\mu_k(x+1)/ch\mu_k,-1\le x\le 0,\end{cases} k\in N,$$

$$Y_l^{(1)}(y)=\begin{cases}\sin\sigma_l(y-1)/\cos\sigma_l,0\le y\le 1,\\ sh\sigma_l(y+1)/ch\sigma_l,-1\le y\le 0,\end{cases} l\in N,$$

$$X_k^{(2)}(x)=\begin{cases}sh\mu_k(x-1)/ch\mu_k,0\le x\le 1,\\ \sin\mu_k(x+1)/\cos\mu_k,\ -1\le x\le 0,\end{cases} k\in N,$$

$$Y_l^{(2)}(y)=\begin{cases}sh\sigma_l(y-1)/ch\sigma_l\ ,0\le y\le 1,\\ \sin\sigma_l(y+1)/\cos\sigma_l\ ,-1\le y\le 0,\end{cases} l\in N.$$

Иккала ҳолда ҳам μ_k,σ_l- лар, $tg\alpha=-th\alpha$ трансцендент тенгламанинг мусбат илдизлари ҳисобланади.

Фараз қилайлик, $\|u\|^2=(u,u)$ бўлсин, бу ерда $(u,\upsilon)=\int\limits_{-1}^{1}\int\limits_{-1}^{1}u\upsilon dxdy$ скаляр кўпайтма. Бундан ташқари,

$$\left(sgn(x)sgn(y)\vartheta_{k,l}^{(p)}(x,y),\vartheta_{i,j}^{(q)}(x,y)\right)=0,\ p\ne q,\ (p,q=\overline{1,4}),\forall k,l,i,j,$$

$$\left(sgn(x)sgn(y)\vartheta_{k,l}^{(m)}(x,y),\vartheta_{i,j}^{(m)}(x,y)\right)=\begin{cases}1,\ k=i\wedge l=j\\ 0,\ k\ne i\wedge l\ne j\end{cases},(m=1,4),$$

$$\left(sgn(x)sgn(y)\vartheta_{k,l}^{(m)}(x,y),\vartheta_{i,j}^{(m)}(x,y)\right)=\begin{cases}-1,\ k=i\wedge l=j\\ 0,\ k\ne i\wedge l\ne j\end{cases},(m=2,3),$$

бу ерда $k,l,i,j\in N.$

Қуйидаги формула бўйича аниқланган норма

$$\|u(x,y,t)\|_0^2=\sum_{k=1}^{\infty}\sum_{l=1}^{\infty}\left\{\left|\left(sgn(x)sgn(y)u(x,y,t),\vartheta_{l,l}^{(1)}(x,y)\right)\right|^2+\right.$$

$$+\left|\left(sgn(x)sgn(y)u(x,y,t),\vartheta_{l,l}^{(2)}(x,y)\right)\right|^2+\left|\left(sgn(x)sgn(y)u(x,y,t),\vartheta_{l,l}^{(3)}(x,y)\right)\right|^2+$$

$$\left.+\left|\left(sgn(x)sgn(y)u(x,y,t),\vartheta_{l,l}^{(4)}(x,y)\right)\right|^2\right\}$$

H_0 фазодаги бошланғич нормага эквивалент.

(1)-(2) масаланинг $\left\{\vartheta_{k,l}^{(j)}(x,y)\right\},\left(j=\overline{1,4}\right)$ хос функциялари $L_2\left((-1;1)^2\right)$ да нормоллашган бўлиб, $L_2\left((-1;1)^2\right)$ да Рисс базисини ташкил қилади.

Диссертациянинг **«Иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалалар»** деб номланган иккинчи боби математик физиканинг ноклассик тенгламалари учун чегаравий (нокоррект) масалалар бўйича натижаларни баён этишга бағишланган. Ечимнинг априор баҳоси олинди, ҳар бир масала учун ягоналик ва шартли турғунлик тўғрисидаги теоремалар исботланди. Бу масалаларнинг барчасида берилганларнинг ўзгаришига турғун регулярлашган ечимлар қурилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида йўналишини вақт бўйича ўзгартирадиган параболик типдаги бошланғич-чегаравий масаланинг шартли корректлиги ва унинг тақрибий ечими баён қилинади.

Берилган $\Omega = \Omega_0 \times Q$ соҳада

$$u_t(x,y,t) + sgn(x)u_{xx}(x,y,t) + sgn(y)u_{yy}(x,y,t) = 0 \qquad (3)$$

тенгламани қараймиз, бу ерда $\Omega_0 = \left\{(x,y):(-1;1)^2,\, x\neq 0,\, y\neq 0\right\}, Q=\left\{0<t<T,\, T<\infty\right\}$.

Масала. Ω соҳада қуйидаги

$$u(x,y,0) = \varphi(x,y), \qquad (x,y)\in[-1;1]^2 \qquad (4)$$

бошланғич,

$$u(x,y,t)\big|_{x=\pm1} = 0, (y,t)\in[-1;1]\times\overline{Q},\ u(x,y,t)\big|_{y=\pm1} = 0, (x,t)\in[-1;1]\times\overline{Q} \qquad (5)$$

чегаравий,

$$\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial x^i}\right|_{x=-0} = \left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial x^i}\right|_{x=+0}, (y,t)\in[-1;1]\times\overline{Q},$$
$$\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial y^i}\right|_{y=-0} = \left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial y^i}\right|_{y=+0},\ (x,t)\in[-1;1]\times\overline{Q} \qquad (6)$$

ҳамда тикиш шартларини қаноатлантирувчи (3) тенгламанинг ечимини топинг, бу ерда $(i=\overline{0,1}), \varphi(x,y)$ – берилган етарлича силлиқ функция, шу билан бирга, $\varphi(x,y)\big|_{\partial\Omega_0} = 0$.

(3)-(6) чегаравий масаланинг умумлашган ечими деганда $u(x,y,t)\in C(L_2(-1,1)^2,Q)$ ва ихтиёрий $V(x,y,t)\in W_2^{2,1}\left((-1;1),(-1;1),(0;T)\right)$ функция учун

$$\int_0^T\int_{-1}^1\int_{-1}^1 u(x,y,t)\Big(sgn(x)sgn(y)V_t(x,y,t) - sgn(y)V_{xx}(x,y,t) - sgn(x)V_{yy}(x,y,t)\Big)dxdydt =$$
$$-\int_{-1}^1\int_{-1}^1 sgn(x)sgn(y)V(x,y,0)\varphi(x,y)dxdy$$

тенгликни қаноатлантирувчи $u(x,y,t)$ функцияни тушунамиз, бунда $V(x,y,T)=0,\ \ V(-1,y,t)=0,\ \ V(1,y,t)=0, V(x,-1,t)=0,\ \ V(x,1,t)=0$ шартлар бажарилади.

1-теорема. *Фараз қилайлик, $u(x,y,t)$ функция (3) тенгламани ва (4)-(6) шартларни қаноатлантирсин. У ҳолда ихтиёрий $u(x,y,t)\in C(L_2(-1,1)^2,Q)$ ечим учун*

$$\|u(x,y,t)\|_0 \le 2\|u(x,y,0)\|_0^{\frac{T-t}{T}} \cdot \|u(x,y,T)\|_0^{\frac{t}{T}}$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

Фараз қилайлик,

$$M=\left\{u:\|u(x,y,T)\|_0 \le m, m<\infty\right\}.$$

бўлсин.

2-теорема. *Агар (3)-(6) масаланинг ечими мавжуд ва $u(x,y,t)\in M$ бўлса, у ҳолда (3)-(6) масаланинг ечими ягонадир.*

Фараз қилайлик $u(x,y,t)$ ечим (3)-(6) масаланинг аниқ берилганлар билан, $u_\varepsilon(x,y,t)$ эса (3)-(6) масаланинг тақрибий берилганлар билан ечими бўлсин.

3-теорема. *Қаралаётган масаланинг ечими мавжуд ва $u(x,y,t), u_\varepsilon(x,y,t)\in M$, бундан ташқари, $\|\varphi(x,y)-\varphi_\varepsilon(x,y)\|_0 \le \varepsilon$ бўлсин. У ҳолда $U\left(x,y,t\right)$ функция учун $t\in\left(0;\ T\right)$ да қуйидаги*

$$\|U(x,y,t)\|_0 \le 2\left(\varepsilon\right)^{1-\frac{t}{T}} \cdot \left(2m\right)^{\frac{t}{T}}$$

тенгсизлик ўринли.

Фараз қиламиз, қаралаётган (3)-(6) масаланинг ечими мавжуд, M тўпламга тегишли ва $\|\varphi(x,y)-\varphi_\varepsilon(x,y)\|_0 \le \varepsilon$ бўлсин. У ҳолда аниқ ва тақрибий бошланғич берилганларга мос тақрибий ечим қурилиб, мос функционал фазода аниқ ва тақрибий ечимлар орасидаги фарқ нормаси ушбу

$$0.5\|u(x,y,t)-u_\varepsilon^N(x,y,t)\|_0^2 \le \varepsilon^2 e^{2\lambda_{N,N}^{(1)}t} + m^2\left(e^{2\lambda_{1,N+1}^{(1)}(t-T)} + e^{2\lambda_{N,N+1}^{(3)}(t-T)} + \right.$$

$$\left. + e^{2\lambda_{N+1,1}^{(1)}(t-T)} + e^{2\lambda_{N+1,N}^{(2)}(t-T)} + e^{2\lambda_{N+1,N+1}^{(3)}(t-T)}\right) + \alpha(N)$$

тенгсизликни қаноатлантиради, бу ерда $N\to\infty$ да $\alpha(N)\to 0$.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи иккита бузилиш чизиғига эга бўлган иккинчи тартибли аралаш типдаги дифференциал тенглама учун бошланғич-чегаравий масалани ўрганишга бағишланган.

Берилган $\Omega=\Omega_0\times Q$ соҳада

$$u_{tt}(x,y,t)+sgn(x)u_{xx}(x,y,t)+sgn(y)u_{yy}(x,y,t)=0 \qquad (7)$$

тенгламани қаноатлантирувчи $u(x,y,t)$ функция топилсин, бу ерда $\Omega_0=\left\{(x,y)\in(-1;1)^2,\ x\ne 0,\ y\ne 0\right\}$, $Q=\left\{0<t<T, T<\infty\right\}$.

Масаланинг қўйилиши. Ω соҳада (7) тенгламанинг шундай ечимини топингки, натиажада қуйидаги:

$$\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial t^i}\right|_{t=0} = \varphi_i(x,y),\ (x,y):\left[-1;1\right]^2 \qquad (8)$$

бошланғич,

$$u(x,y,t)\Big|_{\substack{x=-1\\x=+1}}=0,\ (y,t)\in[-1;1]\times\bar{Q},\ u(x,y,t)\Big|_{\substack{y=-1\\y=+1}}=0,\ \ (x,t)\in[-1;1]\times\bar{Q} \qquad (9)$$

чегаравий,

$$\begin{aligned}&\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial x^i}\right|_{x=-0}=\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial x^i}\right|_{x=+0},(y,t)\in[-1;1]\times\bar{Q},\\&\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial y^i}\right|_{y=-0}=\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial y^i}\right|_{y=+0},\ (x,t)\in[-1;1]\times\bar{Q}\end{aligned} \qquad (10)$$

ва тикиш шартлари бажарилсин, бу ерда $\left(i=\overline{0,1}\right)$ ва $\varphi_i(x,y)-$ берилагн етарлича силлиқ функциялар, шу билан бирга, $\varphi_i(x,y)\big|_{\partial\Omega_0}=0.$

Белгилашни киритамиз

$$M=\left\{u(x,y,t):\left\|u(x,y,T)\right\|_0\le m,\ m<\infty\right\}.$$

$$\left\|\varphi(x,y)\right\|_1^2=\sum_{k=1}^{\infty}\sum_{l=1}^{\infty}\left(\lambda_{k,l}^{(1)}\left(\varphi_{k,l}^{(1)}\right)^2+\left|\lambda_{k,l}^{(2)}\right|\left(\varphi_{k,l}^{(2)}\right)^2+\left|\lambda_{k,l}^{(3)}\right|\left(\varphi_{k,l}^{(3)}\right)^2+\left|\lambda_{k,l}^{(4)}\right|\left(\varphi_{k,l}^{(4)}\right)^2\right)$$

нормани киритамиз.

***4-теоерма**. Фараз қилайлик, $u(x,y,t)$ функция*

$$u_{tt}(x,y,t)+sgn(x)u_{xx}(x,y,t)+sgn(y)u_{yy}(x,y,t)=0$$

тенгламанинг ечими бўлиб, (8)-(10) шартларни қаноатлантирсин, У ҳолда бу тенгламанинг ечими учун $t\in Q$ да

$$\left\|u(x,y,t)\right\|_0^2\le 4e^{2t(T-t)}\left(\left\|u(x,y,0)\right\|_0^2+\alpha\right)^{1-\frac{t}{T}}\left(\left\|u(x,y,T)\right\|_0^2+\alpha\right)^{\frac{t}{T}}-\alpha$$

тенгсизлик ўринли, бу ерда $\alpha=\dfrac{1}{2}\left(\left\|\varphi_0\right\|_1^2+\left\|\varphi_1\right\|_0^2\right).$

***5-теорема.** Агар (7)-(10) масаланинг ечими мавжуд бўлса ва M га тегишли бўлса, у ягона бўлади.*

Фараз қилайлик, $u(x,y,t)$ ечим (7)-(10) масаланинг аниқ берилганлар билан, $u_\varepsilon(x,y,t)$ эса (7)-(10) масаланинг тақрибий берилганлар билан ечими бўлсин.

***6-теоерма.** Фараз қилайлик, (7)-(10) масаланинг ечими мавжуд ва $u(x,y,t),u_\varepsilon(x,y,t)\in M$, бундан ташқари, $\left\|\varphi_0(x,y)-\varphi_{0\varepsilon}(x,y)\right\|_1\le\varepsilon,$ $\left\|\varphi_1(x,y)-\varphi_{1\varepsilon}(x,y)\right\|_0\le\varepsilon$ бўлсин. У ҳолда $U(x,y,t)=u(x,y,t)-u_\varepsilon(x,y,t)$ функция учун $t\in Q$ да қуйидаги*

$$\left\|u(x,y,t)\right\|_0^2\le 4e^{2t(T-t)}\left(2\varepsilon^2\right)^{1-\frac{t}{T}}\left(4m^2+\varepsilon^2\right)^{\frac{t}{T}}-\varepsilon^2$$

тенгсизлик ўринли.

Фараз қилайлик, $\left\|\varphi_0(x,y)-\varphi_{0\varepsilon}(x,y)\right\|_0\le\varepsilon$ ва $u(x,y,t)\in M$ бўлсин. У ҳолда аниқ ва тақрибий ечимлар орасидаги фарқнинг нормаси учун

$$0.5\left\|u(x,y,t)-u_\varepsilon^N(x,y,t)\right\|_0^2 \le C_1 m^2\left(2e^{2\sqrt{\lambda_{1,N+1}^{(1)}}(t-T)}+2e^{2\sqrt{\lambda_{N+1,1}^{(2)}}(t-T)}+1\right)+$$
$$+C_0\varepsilon^2 e^{2\sqrt{\lambda_{N,N}^{(1)}}}+\gamma(N)$$

тенгсизлик ўринли бўлади, бу ерда $C_0 -$ мусбат доимий,

$$C_1=\max\left(F\left(\lambda_{1,N+1}^{(1)}\right),F\left(\lambda_{N+1,1}^{(1)}\right),F\left(\lambda_{N+1,1}^{(2)}\right),F\left(\lambda_{1,N+1}^{(3)}\right),F\left(\lambda_{N+1,N+2}^{(3)}\right)\right),$$

ҳамда $N\to\infty$ да $\gamma(N)\to 0$.

2.3-параграф иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги хусусий ҳосилали бир жинсли бўлмаган тенглама учун чегаравий масалага бағишланган.

Фараз қилайлик, $u(x,y,t)$ функция $\Omega=\{(x,y,t)\,|\,(-1;1)^2\times(0;T),\,T<\infty,\,x\neq 0,\,y\neq 0\}$ соҳада

$$u_{tt}(x,y,t)+sgn(x)u_{xx}(x,y,t)+sgn(y)u_{yy}(x,y,t)=f(x,y,t) \quad (11)$$

тенгламанинг ечими бўлсин.

Масала. (11) тенгламани ва қуйидаги:

$$\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial t^i}\right|_{t=0}=\varphi_i(x,y),(x,y)\in\left[-1;1\right]^2 \quad (12)$$

бошланғич,

$$u(x,y,t)\Big|_{\substack{x=-1\\x=+1}}=0,\ (y,t)\in[-1;1]\times[0;T],\ u(x,y,t)\Big|_{\substack{y=-1\\y=+1}}=0,\ (x,t)\in[-1;1]\times[0;T] \quad (13)$$

чегаравий,

$$\begin{aligned}&\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial x^i}\right|_{x=-0}=\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial x^i}\right|_{x=+0},(y,t)\in[-1;1]\times[0;T],\\&\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial y^i}\right|_{y=-0}=\left.\frac{\partial^i u(x,y,t)}{\partial y^i}\right|_{y=+0},\ (x,t)\in[-1;1]\times[0;T]\end{aligned} \quad (14)$$

ҳамда тикиш шартларини қаноатлантирувчи $u(x,y,t)$ функцияни топинг, бу ерда $\left(i=\overline{0,1}\right),\varphi_0(x,y),\varphi_1(x,y)$ ва $f(x,y,t)-$берилган етарли даражада силлиқ функциялар, шу билан бирга, $\varphi(x,y)\big|_{\partial\Omega_0}=0, f(x,y,t)\big|_{\partial\Omega_0}=0.$

7-теорема. *(11)–(14) масаланинг ихтиёрий умумлашган ечими учун* $t\in\left(0,T\right)$ *да*

$$\int_0^t\left\|u(x,y,\tau)\right\|_0^2 d\tau\le 4q(t)\left(T\left\|u(x,y,0)\right\|_0^2+\alpha\right)^{1-p(t)}\left(\int_0^T\left\|u(x,y,t)\right\|_0^2 dt+\alpha\right)^{p(t)}$$

тенгсизлик ўринли бўлади, бу ерда

$$\alpha=(2T^2+1)\int_0^T\left\|f(x,y,t)\right\|_0^2 dt+2T\left\|\varphi_0\right\|_1^2+\left\|\varphi_0\right\|_0^2+(2T+1)\left\|\varphi_1\right\|_0^2,$$

$$p(t)=\frac{1-e^{-2t}}{1-e^{-2T}},\; q(t)=\exp\left(\frac{2T+1}{2}\frac{\left(1-e^{-2t}\right)T-\left(1-e^{-2T}\right)t}{1-e^{-2T}}\right).$$

M корректлик тўпламини

$$M=\left\{u(x,y,t):\int_0^T\|u(x,y,t)\|^2\,dt\le m^2,m<\infty\right\}$$

шаклида киритамиз.

8-теорема. *Агар (11)-(14) масаланинг ечими мавжуд ва $u(x,y,t)\in M$ бўлса, у ҳолда (11)-(14) масаланинг ечими ягона бўлади.*

Фараз қилайлик, $u(x,y,t)$ ечим (11)-(14) масаланинг аниқ берилганлар билан, $u_\varepsilon(x,y,t)$ эса (11)-(14) масаланинг тақрибий берилганлар билан ечими бўлсин.

9-теорема. *Фараз қилайлик, $u(x,y,t), u_\varepsilon(x,y,t)\in M$ ва $\|\varphi_0(x,y)-\varphi_{0\varepsilon}(x,y)\|_1\le\varepsilon$, $\|\varphi_1(x,y)-\varphi_{1\varepsilon}(x,y)\|_0\le\varepsilon$, $\|f(x,y,t)-f_\varepsilon(x,y,t)\|_0\le\varepsilon$ бўлсин. У ҳолда $U(x,y,t)=u(x,y,t)-u_\varepsilon(x,y,t)$ функция учун барча $t\in(0;T)$ ларда*

$$\int_0^t\|U(x,y,\tau)\|_0^2d\tau\le 4q(t)\left\{T\varepsilon^2+\alpha_\varepsilon\right\}^{1-p(t)}\left\{4m^2+\alpha_\varepsilon\right\}^{p(t)}$$

тенгсизлик ўринли бўлади, бу ерда $\alpha_\varepsilon=\varepsilon^2\left(2T^3+5T+2\right)$.

Фараз қилайлик, $\|f(x,y)-f_\varepsilon(x,y)\|_0\le\varepsilon$ ва $u(x,y,t),u_\varepsilon(x,y,t)\in M$ бўлсин. У ҳолда аниқ ва тақрибий ечимлар орасидаги фарқнинг нормаси учун

$$0.5\int_0^t\left\|u(x,y,\tau)-u_\varepsilon^N(x,y,\tau)\right\|_0^2d\tau\le C\varepsilon^2e^{2\sqrt{\lambda_{N,N}^{(1)}}t}+C_0m^2e^{2\sqrt{\lambda_{1,N+1}^{(1)}}(t-T)}+\gamma(N)$$

тенгсизлик ўринли бўлади, бу ерда $C-$ мусбат доимий,

$$C_0=\max\left(F\left(\lambda_{1,N+1}^{(1)}\right),F\left(\lambda_{N+1,1}^{(1)}\right),F\left(\lambda_{N+1,1}^{(2)}\right),F\left(\lambda_{1,N+1}^{(3)}\right),F\left(\lambda_{N+1,N+2}^{(3)}\right)\right)=5\left(1-9e^{-\sqrt{\lambda_{N+1,1}^{(1)}}T}\right)^{-1},$$

шу билан бирга $N\to\infty$ да $\gamma(N)\to 0$.

Диссертациянинг **«Иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги тенгламалар системаси учун чегаравий масалалар»** деб аталган учинчи боби иккита бузилиш чизиғига эга бўлган ноклассик типдаги тенгламалар системаси учун чегаравий масалаларни ўрганишга бағишланган. Ҳар бир масала учун Логарифмик қавариқлик усули ёрдамида ечимнинг априор баҳоси олинган, ечим ягоналиги тўғрисидаги теорема исботланган ва корректлик тўпламида ечимнинг шартли турғунлигини характерловчи баҳо олинган.

3.1-параграфда йўналишини вақт бўйича ўзгартирувчи параболик типдаги тенгламалар системаси учун нокоррект чегаравий масала ўрганилади.

Қуйидаги тенгламалар системасининг

$$\begin{cases} \left(\dfrac{\partial}{\partial t}+sgn(x)\dfrac{\partial^2}{\partial x^2}+sgn(y)\dfrac{\partial^2}{\partial y^2}\right)v(x,y,t)=0, \\ \left(\dfrac{\partial}{\partial t}+sgn(x)\dfrac{\partial^2}{\partial x^2}+sgn(y)\dfrac{\partial^2}{\partial y^2}\right)u(x,y,t)=v(x,y,t) \end{cases} \tag{15}$$

$\Omega=\left\{(x,y,t)\,|\,(-1;1)^2\times(0<t<T), x\neq 0, y\neq 0\right\}$ соҳада ушбу

$$v(x,y,0)=\varphi(x,y),\ u(x,y,0)=f(x,y), \quad (x,y)\in[-1;1]^2 \tag{16}$$

бошланғич,

$$\begin{aligned} &u(-1,y,t)=u(+1,y,t)=0, v(-1,y,t)=v(+1,y,t)=0, \ (y,t)\in[-1;1]\times[0;T], \\ &u(x,-1,t)=u(x,+1,t)=0, v(x,-1,t)=v(x,+1,t)=0, \ (x,t)\in[-1;1]\times[0;T] \end{aligned} \tag{17}$$

чегаравий,

$$\begin{aligned} &u(-0,y,t)=u(+0,y,t), v(-0,y,t)=v(+0,y,t), \quad (y,t)\in[-1;1]\times[0;T], \\ &u_x(-0,y,t)=u_x(+0,y,t),\ v_x(-0,y,t)=v_x(+0,y,t), \ (y,t)\in[-1;1]\times[0;T], \\ &u(x,-0,t)=u(x,+0,t), v(x,-0,t)=v(x,+0,t), \quad (x,t)\in[-1;1]\times[0;T], \\ &u_y(x,-0,t)=u_y(x,+0,t), v_y(x,-0,t)=v_y(x,+0,t), \ (x,t)\in[-1;1]\times[0;T] \end{aligned} \tag{18}$$

ҳамда тикиш шартларини қаноатлантирувчи $(u(x,y,t),v(x,y,t))$ ечимини топиш масаласини қарайлик, бу ерда $f(x,y),\varphi(x,y)-$берилган етарли даражада силлиқ функциялар, шу билан бирга $\varphi(x,y)\big|_{\partial\Omega_0}=0, f(x,y)\big|_{\partial\Omega_0}=0.$

1-таъриф. *(15)-(18) масаланинг ечими деганда узлуксиз ҳосилаларга эга бўлган, (15) тенгламалар системаси ва (16)-(18) шартларни қаноатлантирувчи, $\overline{\Omega}$ да аниқланган $(u(x,y,t),v(x,y,t))$ функциялар жуфтлигини тушунамиз.*

Фараз қилайлик,

$$M=\left\{(u(x,y,t),v(x,y,t)):\|u(x,y,T)\|_0+\|v(x,y,T)\|_0\leq m\right\}$$

бўлсин.

10-теорема. *Агар (15)-(18) масаланинг ечими мавжуд ва $(u(x,y,t),v(x,y,t))\in M$ бўлса, у ҳолда (15)-(18) масалнинг ечими ягонадир.*

Фараз қилайлик $U(x,y,t)=u(x,y,t)-u_\varepsilon(x,y,t)$, $V(x,y,t)=v(x,y,t)-v_\varepsilon(x,y,t)$ бўлсин, бу ерда $\left(u(x,y,t),v(x,y,t)\right)$ функциялар жуфтлиги (15)-(18) масаланинг аниқ берилганлар билан ечими, $\left(u_\varepsilon(x,y,t),v_\varepsilon(x,y,t)\right)$ функциялар жуфтлиги эса (15)-(18) масаланинг тақрибий берилганлар билан ечими бўлсин.

11-теорема. *Фараз қилайлик, $(u(x,y,t),v(x,y,t))\in M$, $\left(u_\varepsilon(x,y,t),v_\varepsilon(x,y,t)\right)\in M$ ва $\|\varphi(x,y)-\varphi_\varepsilon(x,y)\|_0\leq\varepsilon$, $\|f(x,y)-f_\varepsilon(x,y)\|_0\leq\varepsilon$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $t\in(0;T)$ бўйича $U(x,y,t), V(x,y,t)$ функциялар учун*

$$\|V(x,y,t)\|_0\leq 2(\varepsilon)^{1-\frac{t}{T}}(2m)^{\frac{t}{T}},$$

$$\left\|U(x,y,t)\right\|_0 \le 2\left(\varepsilon+\left\|\gamma_\varepsilon\right\|_0\right)^{1-\frac{t}{T}}\left(2m+\left\|\gamma_\varepsilon\right\|_0\right)^{\frac{t}{T}}+\left\|\gamma_\varepsilon\right\|_0$$

баҳолар ўринли бўлади, бу ерда $\left\|\gamma_\varepsilon\right\|_0=\left(\int\limits_0^T 4\left(\varepsilon^2\right)^{1-\frac{t}{T}}\left(4m^2\right)^{\frac{t}{T}}dt\right)^{\frac{1}{2}}$.

